


# ИКТИДОР СР

# 4

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

# ИҚТИДОР
# 4

**ёшларнинг илмий, публицистик, бадиий**
**АЛЬМАНАХИ**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
Тошкент – 2015

**Фойдаланилган адабиётлар:**

*1. И.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги "Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" мавзусидаги маърузаси*

*2. Манба: www.mexnat.uz.*

## Комил инсон шахсини шаклланишида Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино қарашлари

***Камолова Ш., Қаршибоева Д., Усанов У.***
***– ЖДПИ катта ўқитувчилари***

Анъаналаримизни тиклаш, аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий–марифий, маданий меросларни авлодларимизга беками кўст етказиб бериш каби муҳим вазифалар ўз аҳамияти жиҳатидан долзарб бўлиб колди. Айникса, инсоният тараккиёти, илм–фани ва шахс баркамоллигига муҳим ҳисса кўшган буюк даҳолар, алломаларнинг илмий, ижодий ва бадиий меросини ўрганишга алоҳида эҳтиёж юзага келди. Ана шулар каторида буюк комусий ақл эгалари Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синолар муҳим ўрин тутади. Ёшларнинг буюк алломалар ижодларига бўлган қизиқишларини янада мустаҳкамлаш борасида комусий олим Абу Али ибн Сино асарларини ўрганиш, баркамол авлоднинг илмий дунёқарашлари, фикрлаш фаолияти, ҳис-туйғу хамда ижобий сифатларининг шакллантириши табиийдир.

Маълумки, хар қандай миллат равнақида энг аввало шу миллат вакиллари, айникса ёшларда миллий ғурурни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш учун эса ҳар бир миллатнинг тарихи, аждодлари бунёд эттан моддий ва маънавий қадриятлар асосий манбалардан ҳисобланади. Қайси миллатнинг ўтмишида мана шу манба канчалик салмокли бўлса, ёшларда миллий ғурурни шакллантириш тезроқ самарага олиб келади. Бундай манбалар мамлакатимизда нафақат Шарқ, балки, жаҳон цивилизацияси учун муҳим эканлиги айни ҳақиқатдир. "Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз ҳазиналарида сақланаётган минг-минглаб кўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минерология, кимё, астрономия, меъморчилик,



деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан–кам топилади"[1]1 – деб таъкидлаган эди Юртбошимиз.

Мустақиллик йилларида миллий тарихимиз, анъаналаримизни тиклаш, аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий–марифий, маданий меросларни авлодларимизга беками кўст етказиб бериш каби муҳим вазифалар ўз аҳамияти жиҳатидан долзарб бўлиб қолди. Айникса, инсоният тараққиёти, илм–фани ва шахс баркамоллигига муҳим ҳисса қўшган буюк даҳолар, алломаларнинг илмий, ижодий ва бадиий меросини ўрганишга алоҳида эҳтиёж юзага келди. Ана шулар қаторида буюк комусий ақл эгалари Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синолар муҳим ўрин тутади. Хоразмлик буюк аллома Беруний маънавият ва маърифат хақидаги таълимотида ақл – идрок, меҳнат, тафаккур, одоб – ахлоқ таълим-тарбия инсон ҳаёти ва моҳиятини ижтимоийлик белгилашни алоҳида уқтириб ўтган эди.

Унинг маънавий – маърифий қарашларида меҳнат, одоб–ахлоқ, таълим-тарбия, касб – ҳунар, илм – маърифат узвий муштаракликда таҳлил ва талқин этилади. "Инсон амалий фаолиятининг бирон–бир соҳаси уларнинг ўзаро таъсирисиз амалга ошмайди"[2]1 деб уқтиради Абу Райҳон Беруний. Яна бир ўринда, у "Инсоннинг қадр–қиммати ўз манъфаатини аъло даражада бажаришдан иборат, шунинг учун ҳам инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади, инсон ўз хоҳишига меҳнат туфайли эришади"[3] деб ёзади. Беруний қарашларининг мағзида шахс маънавий камолотининг юксалтириш билан боғлиқ масалалар ётади.

Берунийнинг ҳаёт йўли ўзига хос ибрат бўлиб, у шахс маънавиятини юксалтиришда ўзининг таъсир кучига эга". Шу ўринда таъкидлаш жоизки, – деб ёзади И.А Каримов, Беруний илмий масалаларда ҳам тарихий воқеа – ҳодисаларга, ўз замондошларига баҳо беришда ҳам ўта холислик ва хаққонийлик билан фикр юритган. Шу боис ҳам у ҳаётда кўп азиятлар чеккан, хатто умрининг охирида турмуш қийинчиликларига дучор бўлган, аммо ҳар қандай оғир шароитга қарамасдан эътиқодидан қайтмагани унинг ўз маънавий идеалларига нақадар содиқ бўлганлигидан далолат беради"[4].

Ана шундай ноёб фазилат соҳиби бўлган яна бир аллома Ибн Сино

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 30-б.
[2] Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. Т.: ФАН, 1966. 40-б.
[3] Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликар. Т.: Фан, 1966. 42-б.
[4] Каримов И. А. Юксак маъанавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 42-43-б.

ҳисобланади. Унинг одоб–ахлоқ ва инсонпарварлик ҳақидаги таълимоти катта илмий-амалий, тарбиявий аҳамиятга эга. Ижтимоий мавжудот бўлган инсон табиий муҳитсиз, ўзаро ижимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ахлоқий муносабатларсиз яшамаган ва яшай олмайди, деган фикр Ибн Сино маънавий-маърифий таълимотидаги ўзак масалалар жумласидандир"[1]. Унинг фикрича "маърифатчи (ориф) ботир одам бўлади. У барча беҳуда нарсаларга ҳирс қўйишдан узоқ ва барча адашганларга меҳрибондир…"[2]. Ибн Сино қарашларидаги бош масала ақл ва фаросат буюк кучга эгалигини кўрсатиб беришдан иборат.

Ақл-фаросат боиси инсон ҳаёти, кишиларнинг турмуш тарзи ҳайвонларнинг яшаш тарзидан тубдан фарқ қилади. Илмга чексиз рағбат, сабр–қаноат, кундалик ҳаёт қийинчиликларига бўйин эгмаслик, мақсад сари доимий интилиш ақл, донолик билан ҳамкор ва ҳамнафасдир. Бу борада инсон ғаройиб чеҳра, ташқи қиёфа соҳиби бўлибгина қолмасдан, балки шу билан бир қаторда юксак ахлоқий қадриятларнинг бевосита ижодкори ҳамдир.

Ахлоқий равнақ инсон зотигагина хос жараёндир, чунки у ақл, тафаккурнинг буюк қувватига таянган ҳолда ҳақиқат билан ёлғон -яшиқнинг чегарасини аниқлабгина қолмасдан, балки дўстни душмандан ажрата олади. Бу борада нарсаларнинг ички моҳияти ва мазмунини кашф этиш учун интеллектуал етуклик зарур бўлса, ахлоқий равнақ учун бунинг ўзи етарли эмас. Илм билан хулқ-атвор, сайъи-ҳаракатларнинг ўзаро бирлиги инсонни донишмандлик, комил инсон даражасига элтади. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас, чунки, гўзалликка ва ахлоқий камолотга интилиш – бу инсон зотига хос хусусиятдир.

Шахс камолотида ижобий фазилатлар ва одатларни қарор топтириш қанчалик қийин ва мушкул бўлса, маънавий қиёфага чирмашиб олган салбий жиҳат ва одатлардан холос бўлиш бундан ҳам мураккабдир.

Комил инсон шахсини шаклланишида амал қиладиган инерсион ҳолат бу жараён истиқболига путур етказа олмайди, чунки шу билан бирга таълим ва тарбиянинг амалий ва назарий имкониятлари ҳам чексиздир. Болаларнинг тарбиясини барвақт бошлаган маъқулдир. Тарбия жараёнида уларга яхши ижобий одатларни сингдириб бориш, ўта синчковлик билан улардаги иштиёқ ва қизиқишни пайқаб олишга ҳаракат қилиш, ҳаётда нафи тегадиган муайян ҳунар ва санъатни эгаллаб олишга йўналтириш зарурдир. «Бола тана бўғинлари барқарор, унинг тили тўғри – равон гапириш ва қулоқлари тинглаш ва ўзгалар

[1] Бобоев Х. ва б. Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт. Т.: Янги аср авлоди, 2001. 54-б.
[2] Ҳикматлар тўла бу дунё. Т.: Ўқитувчи, 1997. 35-б.



сўзини қабул қилиш ҳамда ўрганилаётган нарсага /табиий/ мойиллик пайдо бўлган»[1].

Инсонинг баркамол шахс сифатида шаклланишида таълим-тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Хўш, бу жараённи нимадан бошлаш керак, деган саволга жавобан Ибн Сино уни аждодларимизнинг азалий анъаналарига таянган ҳолда Қуръони Каримни, диннинг мақсади ва тилнинг граматик қонун-қоидаларини қунт билан ўрганишдан бошланиши маъқул, деб билади. Бола аста-секин ўз она тилининг, хорижий тилларнинг қонун-қоидалари ва граматик асосларини эгаллаб олиб, тиббиёт ва геометрия каби илм соҳаларининг ўта муҳим жабҳаларига кириб бориши лозим. Ўрганилаётган соҳаларни ёд олиш, уни хотирада сақлаш ва кези келганда тез-тез такрорлаб туриш билиш ва табияда муҳим ўрин эгаллайди, бола хотирасини мустаҳкамлайди, китобга қизиқишни жонлантиради, илмлар сарчашмасига кириб боришни таъминлайди, тарбияланувчида муайян тартиб-интизомни шакллантиради ва баҳс-мунозара юритиш маданиятини юксалтиради.

Мақсадга эришиш борасида бир хил тадбир қўллаш кутилган самарани беравермайди. «Тарбиячи (вазиятдан келиб чиқиб) баъзан (болани ) жазолаб, баъзан эса рағбатлантириб туриши лозим. Фурсат келганда вақтида уни мақтаб, баъзан эса қаттиқ қўллик қилиб, ўз вақтида камчиликларини (кечириб) бориши маъқулдир»[2].

Иккинчидан, билимдонлик тарбиячига сув ва ҳаводек зарур ва фойдалидир. Тарбияланувчини тўғри йўлга йўналтириш йўл–йўриқлари, услуб ва воситаларини яққол ҳис қилиш аклли кишининг тадбиркорлигидан дарак беради. "Оддий сўзамоллик, мавҳум панд–насиҳатлар тарбиянинг заволидир, унинг ҳосиласи қайғу–ташвишдан иборатдир. Панд-насиҳатлар тарбияланувчининг танҳолик, руҳий хотиржамлик қулай вазият пайтида олиб борилса, кутилган натижага эришилади"[3]. Унинг томонидан йўл қўйилган камчиликларга келсак, уларни очиқ–ойдин тўзатишга ундаш, бу камчиликларни кўрсатиб бериш, уларни бартараф этиш барча чора-тадбирларни белгилаб бериш, ўқитиш мақсадга мувофиқдир. Тарбияланувчи йўл қўйган камчиликларни тўзатиш ниятида салбий мисоллар ва намуналардан фойдаланиш маъқул эмас. Бордики, тарбияланувчида сўз тилсими ва қабул қилинган тадбир қизиқиш, зўр иштиёқ уйғотса таълим-тарбия зами-

[1] Ибн Сино ва Тадбири манзил.45-б. , Абу Али ибн Сино. О домоводстве // Антология педагогической мысли Узбекской ССР. Т.: Фан, 1986, 86-б
[2] Абу Али ибн Сино. О домоводстве // Антология педагогической мысли Узбекской ССП. 1976.-с. 85.
[3] Маънавий–ахлоқий қадриятлар мутафаккирлар талқинида.Андижон-2003. 42- б.

ни тайёр, бемалол муддаога ўтиш мумкин. Демак, инсон камолоти ва унинг юксалишида бўлажак ўқитувчилар маънавий тарбияси ва илмий дунёқараши кенглиги, ибрат-намуна муҳим роль ўйнар экан. Шу сабабли ҳам бугунги ёшларимиз дунёқарашини юксалтиришда улар онгига миллат, она тупроқ, она Ватан, унинг тарихий илдизлари, бой миллий-маънавий меросимиз ҳақидаги маълумотларни таълим–тарбиянинг барча жабҳаларида ўзликсиз сингдириб боришимиз лозим.

Шунинг билан бирга ёшлар онгида миллат, миллий ахлоқ, миллий ғурур, миллий тарбия, миллий салоҳият, Ватан туйғуси, Ватан қайғуси, Ватан соғинчи ва шу каби тушунчаларни сингдириб бориш ҳам уларнинг миллий дунёқарашини кенгайтиришда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бунда инсон камолоти учун миллий тарбиямизга хос бўлган меҳр-оқибат, ҳурмат-иззат, мурувват, ор–номус, бағрикенглик ва шу кабилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб, шуни айтиш лозимки, буюк ақл соҳиблари ва машҳур мутафаккирлар саналмиш Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синонинг асарларида илгари сурилган ғоялар маънавий қадриятларимизга бўлган янгича муносабатнинг камол топдиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Адабиётлар рўйхати:**

*1. Ибн Сино ва Тадбири манзил.45-б. Абу Али ибн Сино.О домоводстве // Антология педагогической мысли Узбекской ССП. Т.: Фан, 1986, 86-б*

*2. Абу Али ибн Сино. О домоводстве // Антология педагогической мысли Узбекской ССП. 1976.-с. 85.*

*3. Маънавий-ахлоқий қадрятлар мутафаккирлар талқинида.Андижон-2003. 42- б.*

## Гарбология, иначе говоря «Мусорная археология». Современные способы переработки и утилизации отходов

***Алматова Умида – преподаватель ДжГПИ.***
***Алимкулов С.О., Омонова М.М. – студенты***
***3 курса факультет Естествознание и география.***

**Гарбология** (от англ. garbage «мусор»)или **мусороведение**, или **мусорология** – отдельное направление экологии, занимается изучением мусорных отходов и методов их утилизации. Так же гарбология является видом археологии, иначе говоря «мусорная археология», которая изучает мусорные отходы с целью изучения бытовой жизни людей. Понятие гарбологии как археологических раскопок в мусорных свалках ввёл в 1973 году археолог Уильям Ратжи (англ.). Хотя



использование понятия в смысле «сбор мусора» (мусорщиками) зафиксировано в Оксфордском словаре в конце 1960-х.

**Отходы** – вещества (или смеси веществ), признанные непригодными для дальнейшего использования в рамках имеющихся технологий, или после бытового использования продукции.

С точки зрения естественных наук, любое вещество теоретически может быть использовано тем или иным образом. Естественным ограничением использования является экономическая целесообразность использования.

Отходы различаются:

⇒ по происхождению:

- отходы производства (промышленные отходы)
- отходы потребления (коммунально-бытовые)

⇒ по агрегатному состоянию:

- твёрдые
- *жидкие*
- газообразные

Загрязнение окружающей среды твердыми бытовыми отходами (ТБО) неизменно ведет к нарушению экологического баланса не только в некоторых регионах, но и на всей планете в целом.

По имеющимся у ученых сведениям, на каждого из жителей Земли приходится примерно по 1 тонне мусора в год. И если бы весь накопившийся за один год мусор не уничтожался, а сваливался в одну кучу, то тогда из него образовалась бы гора с высотой примерно как Эльбрус (5642 м). Поэтому неудивительно, что сегодня переработка ТБО является самой настоящей необходимостью для жителей земли. Поэтому правительства технологически развитых стран начинают уделять все большее внимание вопросам охраны окружающей среды, поощряя новые технологии переработки мусора.

Происходит это потому, что традиционные технологии сжигания мусора, широко распространенные в нашей стране, по сути, являются тупиковыми, поскольку в результате их применения не обеспечивается сохранность окружающей среды и тратятся баснословные деньги.

К счастью, благодаря современным технологиям уже сегодня появилась принципиальная возможность не просто существенно снизить затраты на уничтожение отходов, но и добиться при этом определенного экономического эффекта.

Итак, рассмотрим наиболее популярные на сегодняшний день методики утилизации твердых бытовых отходов, к которым можно отнести:

- Сортировку мусора
- Сжигание ТБО

